



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUPXONA PALATASI
INV. №

№ 129 (9.167)

1998 йил

2 ноябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

АБАДИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМПАНАВЕРСИН

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан, 30 октябрь кунин Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари Ислам Каримов кутиб олди.

Шу кунин Дўрмон қароргоҳида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Ўзаро мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини бундан ҳам кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, суҳбат чоғида минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, халқаро сибсатдаги долзарб муаммолар ҳақида ҳам сўз борди.

Президентларнинг яккама-якка учрашуви кечаётган бир пайтда Дўрмон қароргоҳининг мажлислар залида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш, ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорлик, нефть ва газ қидириш, уларни қайта ишлаш соҳаларида Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар



имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Қозоғистон Таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида Ўзаро ҳамкорлик, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга ҳам имзо чекилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг расмий ташрифи 31 октябрда давом этди.

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги делегация аъзоларининг 31 октябрда бўлиб ўтган учрашуви пайтидаги музокара-ларни гоёт самимий вазиятда бўлди.

31 октябрда Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакат раҳбарлари катнашиб, Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги турли соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу албатта узок ўтмишимизга бориб тақалади.

Икки халқ ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ муносабатлари доимо муштарак бўлиб келган. Халқимиз узок қариндошдан яқин қўшни афзал, деб бежиз айтишмайди.

Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигига доир алоқаларимизга назар ташласак, бугунги кунгача турли соҳалар бўйича олтидан ортық шартнома,

ҳужжатлар имзоланган. Қувонарли томони шундаки, бу шартномалар бугунги кунда икки мамлакат тараққиёти учун хизмат қилиб, ҳаётда ўз ижросини топмоқда.

Бўлиб ўтган учрашувда томонлар турли соҳалар бўйича ҳамкорлик йўналишлари, минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг мустақамлаш йўллари каби муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Дўрмон қароргоҳининг ўзинида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998-2005 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар.

Шундан сўнг мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевни «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлади.

Ушбу маросимда иккала мамлакат Президентлари ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг истиқболлари ҳақида қисқача баёнот бердилар.

Унда давлатимиз раҳбари икки мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларидаги қатор масалаларни ижобий ҳал этишда ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида Қозоғистон Республикаси Президенти Қозоғистон ҳам, Ўзбекистон ҳам ёш мустақил давлат. У эндигина етти ёшга тўлди. Бугунги ташрифимиз ҳам давлатларимиз ўртасидаги алоқаларимиз ривожини, айниқса келажакдаги ҳамкорликка доир ишларимиз учун яхши самара беради деб ўйлайман, деди.

Кейин эса шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарлари журналистларни қизиқтирган қўлаб саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Шундан кейин Тошкент аэропортида расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу кунининг ўзидек Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкентдан ватанига қўнаб кетдилар. Юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

СУРАТДА: учрашув пайти

Абдувоҳид Тўраев
олган сурат.

Фармон ва яндро

ТҮЙ ВА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ХОС ВА МОС БЎЛСИН

Мустақилликка эришганига тарих силсиласида киприк қоққудай лаҳза ҳисобланмиш атиги етти йил вақт ўтган бўлса-да республикамизнинг тобора чирой очиб, Шарқнинг машъаига айланиб бораётгани, маънавият ва маърифат, азалий қадриятларимиз кўз очган тиниқ бўлукдек қайта тикланганлигини нафақат ҳамюртларимиз, балки юртимизга ташриф буюрётган кўплаб хорижликлар ҳам эътироф этишмоқда. Айниқса буюк бобоқалонларимиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар руҳи-покига қўрсатилган эҳтиром, улар хотираларининг абадийлаштирилиши келажакда буюк юртимизнинг ўз тўғри йўлини танабл деди одимлаётганидан дарак беради.

Бироқ шундай ажойиб шароитларга қарамадан кейинги пайларда тўй, маъракалар ва бошқа маросимларнинг ном қозониш мақсадида сохта шўрат ортдан қувиб бири-бирини ўтарадиган даражада дабдабали, бемаъни исрофгарчиликка йўл қўйган ҳолда ўтказилиши, никоҳни қайд этиш маросимлари ва чарларларнинг ҳам каттагина тўй даражасига етиб қолганлиги ҳоллари кўпчилик юртдошларимизнинг гашига теғмоқда, қолаверса айрим

Тошкент шаҳар фаоллари ва жамоат ташкилотлари вакиллари йиғилиши

ночор оилаларнинг юртдан қолмайин дея катта тўй қиламан деб қарз ботқоғига ботишларига сабаб бўлмоқда. Бу кўпни кўрган, анчагина машаққатларни бошидан ўтказган табаррук, кайвоний оқсоқолларимизнинг ҳақли эътирозларини тўғдираётгани ҳам сир эмас. Зеро, бундай ортықча расм-русумлар, эл-юрт одатларини менсимаслик, бошқаларга паст назар билан қараш, сохта шўратпарастлик на халқимиз урф-одатлари, удувлари ва на ислом, на шарият қонун-қоидаларига тўғри келмайдиган зарарли иллатлардир. Шу хатдан олганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кунин кеча чиққан тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни ўтказишда шўратпарастликка йўл қўймаслик, турли исрофгарчиликларнинг олдини олишга қаратилган Фармонини ҳам ҳаётимиздаги жуда муҳим қонуний ҳужжат сифатида баҳолаш аниқ муддао бўлади. Ҳозир ушбу Фармон муҳокама юзасидан жойларда йиғилишлар ўтказилмоқда, ишчилар, олимлар, зиёлилар, ҳуллас халқимизнинг барча қатламлари унга ўз муносабатини билдирмоқда.

30 октябр кунин Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида Республикаимиз Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармони асосида тўй ва маросимларни ўтказишнинг муқаддас қадриятларимизга хос ва мос ҳолда йўлга қўйиш юзасидан пойтахт фаоллари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг йиғилиши бўлди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмад Мирзаев олиб борди. Жонли мулоқот таразидан ўтган йиғилишда бу борада қўлгина ўзига хос муҳим фикрлар, ўринли тақлифлар билдирилиб, халқимиз дилини ўйлан-тириб келадиган мулоҳазалар ўртага ташланди. Уларни тинглар эканмиз давлатимиз раҳбарининг жуда долзарб, оғирлиқ муаммоларининг ечимини ўртага ташлаганликларига яна бир қарра амин бўлдик.

Биз йиғилиш иштирокчиларининг қалб сўзларини, юракда йиғилиб қолган самимий гапларини сиз, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз. Зеро, ушбу фикр-мулоҳазаларни мушоҳада қилиш, маъини қақиш барчамиз учун фақат фойдадан иборатдир.

Абдухалил НАБИЕВ,
Шайхонтохур туманидаги
Самарқанд дарбоза маҳалла
фуқаролари йиғини раиси:

Президентимиз Фармони халқимиз, кишиларнинг қалбидан кўп вақтдан бери кўш уриб, жунбушга келадиган фикрларнинг акс садоли бўлди. Дарҳақиқат, кейинги пайларда тўй-маъракаларимиз, урф-одатларимиз тўқлиққа шўхлик қабилида жуда бошқача, салбий тус олиб бораётгани. Чунки, маъракаларда тўқин дастурхонлар ёзилиб, гуллар қўйилётганини кўриб беихтиёр нахотки маросим ўтказётганлар яқинидан айрилганидан хурсанд бўлганидан шундай дастурхонлар тўзаётган бўлса, деган ҳаёлларга ҳам борасан киши. Ахир бундай бойваччалар неча ўз қилолаб ош дамбаб ён-атрофдаги қўшнилар, ноҳор маҳалладошларнинг гашига тегаётганликларини нахотки билмаётган бўлсалар. Тўйларимизда миллий қадриятларимиз ҳақиқатан ҳам оёқ ости бўляпти. Масалан, ЗАГС маросимларида бир неча «Мерседес»ларнинг турна қатор бўлиб юриши, унинг ойнасига осилиб олган «видео»нинг хатарили вазиятда суратга олиши, бунда мунтазам йўл ҳаракати қондаларининг бузилиши қайси одатларимизда бор эди.

(Давоми 2-бетда).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ

Келгуси йил учун вақтли нашрларга обуна давом этмоқда. «Тошкент оқшоми» газетасининг муштарийлари ўзлари севган газетача шакринининг исталган алоқа бўлимига кириб, обуна бўлишлари мумкин. Янвобари, у ҳар галгидек энг яқин ҳамроҳ, янги яқин суҳбатдош бўлиб қолади.

Тахририят ижодий жамоасининг келгуси йил режалари катта. Газета саҳифаларида турли ёндаги ва турли касбдаги муҳлисларга манзур бўладиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар ёритилади. Шахримизда, мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг сўнгги янгиликлар ҳам аввало «Оқшом» саҳифаларида ёритилади. Бундан ташқари ҳаётимизда юз бераётган

ўзгаришлардан ҳам ўз вақтида хабардор бўласиз. Тахририятга келган мактубларда муштарийларимиз дафтанинг жума кунин чиқадиган «Дам олиш оқшомида» қўш саҳифаси материалларини мириқиб ўқишларини ёзишган. Келгуси йилда ҳам жума кунлари чиқадиган ана шу дам олиш саҳифаларида ранг-баранг мақолалар — севимли ёзувчию

санъаткор билан диллашулар, ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар, маданият янгиликлари, спорт оламида бўлаётган янгиликлар, уй бекаларига маслаҳатлар, ҳуллас турли касбдаги ва қизиқшдаги муштарийларга аталган теша теғмаган гапларимиз бўлади.

«Оқшом» газетаси чакана савдога чегараланган микдорда чиқарилади. Келгуси йил учун газетача обуна тартиби ҳам бирмунча ўзгарди. Энди яқка тарздаги обуначилар ва идоралар учун обуна алоҳида

ҳолда расмийлаштирилади.

«Тошкент оқшоми» газетасига республикамизнинг турли шаҳарлари ва қўрғонларида истикомат қилаётганлар ҳам обуна бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, азиз дўстлар, ўзингиз севган ва қадрлаган «Тошкент оқшоми» газетасига обуна бўлишга шошилиш!

Нашр индекслари:
Яқка обуначилар учун — 209.
Идоравий обуначилар учун — 563.

БУГУНГИ КҮН
НАФАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ҳамда рангли металллар парчалари ва чиқтиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

● Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида Президентимизнинг тўй ва маросимларни ўтказишда йўл қўйилаётган дабдабозлик, исрофгарчиликка оид Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг мамлакат Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Маънавият ва маърифат», «Оила» марказлари, «Нуроний» ҳамда «Қамолот» жамғармалари иштирокида бўлган кенгайтирилган мажлисида ҳам Президентимизнинг тўй ва маросимларни ўтказишда йўл қўйилаётган дабдабозлик, исрофгарчиликка оид Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Ўзбекистон пахтакорларининг давлатга топширган «оқ олтин» 3 миллион тоннадан ошди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида ҳўжалик судлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлди.

● Қийрай туманининг Оққовоқ қишлоғидаги Ёшлик даҳасида бунёд этилган Ўзбекистон — Жанубий Корея янги қўшма корхонасида полистилен қопларини ишлаб чиқаришга киришилди. Корхонада бир кунда 40 минг дон шундай қоплар тайёрланади.

● Республика товар-хомашё биржасида ўтказилган ярмаркага мамлакатимизнинг 100 дан ортық корхоналарида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари намойишга қўйилди.

● Тошкентда Туркия Республикасининг 75 йиллигига бағишланган «Отатуркчилик ва замонавий Туркия» мавзудаги конференция бўлиб ўтди. Ўзбек олимни Розия Мукминова туркий халқлар тарихига оид салмоқли илмий ишлари учун Туркиянинг «Лаёқат» мукофоти билан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

● Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин уни даволаётган врачларнинг тавсиясига биноан Сочида дам олиш учун келди. Унинг бу ерда қанча вақт бўлиши ҳали маълум эмас.

● Ингушетия Президенти Руслан Ашурев давлатнинг янги қароргоҳи узра байроқни кўтарди ва бу билан Ингушетиянинг янги пойтахти — Магас шаҳрини очди. У ингуш тилидан таржимада «Қуёш» деган маънони англатади.

● Литва Президенти Валдас Адамкуснинг Данияга ташрифи бошланди.

● Буюк Британия ҳукуматининг аъзоси, Уэльс ишлари вазири Рон Девис номаълум сабабларга кўра истеъфо берди. Пичоқ ўқалишиб, тунашгандан сўнг вазири шундай қарорга келди.

● Россияда 1917 йилдан бунён биринчи марта ерларнинг ҳусусий қимомиди савдоси ўтказилди. Унда Саратов вилоятидаги ерлар сотилди.

● Камчатка маъмурияти БМТга ёқиларини сотиб олиш учун ёрдам кўрсатишни сўраб илтимос қилди.

● Татаристонда шанба кунин республикада рўй берган бўрон оқибатларини тўғатиш бўйича ишлар давом этмоқда. Бу ерда юзлаб бригадалар ишламоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда табиий офат келтирган моддий зарар 26 миллион рубдан кўпроқни ташкил этмоқда.

● Жума кунини Фаластин муҳториятида яқинда АҚШ-да Фаластин билан Исроил ўртасида имзоланган тинчлик шартномасини ратификация қилиш маросими ўтказилди.

● Афғонистон можароларини фақатгина музокара-лар йўли билан бартараф этиш мумкин, деб баёнот берди толибларга қарши курашаётган қўчлар раҳбарларидан бири Аҳмадшоҳ Мазсуд.

● Туркиянинг махсус бўлинимаси Анкара аэропортида 34 йўловчи ва экипажнинг 6 аъзоси билан олиб қочилган «Боинг-737» самолётидаги гаровга олинганларни озод этиш бўйича муваффақиятли тadbирларни ўтказдилар. Битта террорчи ўлдирилди, бошқаси қўлга олинди.

● Швециянинг Гетеборг шаҳридаги тунги клублардан бирида кечаси юз берган ёнғин оқибатида 60 дан ортық одам ҳаётдан кўз юмди, 190 киши касалхонага ётқизилди.

● Францияда навбатдаги, ҳисоб бўйича бир юз ўн учинчи «Ариан-4» ракета-эълтувчи фазога учирилди. Франциянинг Куро космодромидан учган мазкур ракета орбитага қоинопдан алоқа боғловчи иккита сўнайи йўлдошини олиб чиққан.

● 1962 йили фазога кўтарилган биринчи америкалик фазогир, 77 ёшли сенатор Жон Глен яна космосга парвоз қилди.

● Хиндистонда аънавий «Девали» — «Олов тантанаси» байрами ўтказилди. Барча диний маъракаларни бирлаштирувчи бу аънава беш кун давом этди.

● Англиянинг Бристол шаҳрида кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати нихоясига етди. Унда 12 мамлакат спортчилари қатори Ўзбекистоннинг икки вакили — Улугбек Гувсидинов ва Владислав Нам алоҳида тақлифга мувофиқ қатнашди. Ўзбекистонлик икки спортчи ушбу чемпионатда бешта медалга муяссар бўлди.

● Будапештда гаройиб бир магазин очилди. Унинг гаройиблиги шундаки, агар сотувчининг ҳазил-мutoйбаси харидорни жилмайтира, ана шу ҳолдагина харидор олган маҳсулотни учун ҳақ тўлайди.

МАХСУС «ОҚШОМ» УЧУН

ТОШКЕНТЛИК САЙЁҲ — СУРИЯДА

Мурод Қосимов... Эндиликда бу ном кўпчилик тошкентликларга яхши таниш. Унинг велосипедда 3 йиллик сафарга чиққанига рол-п-роса икки ой бўлди. Сайёҳ шу вақт мобайнида Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон ва Туркия давлатлари ҳудудларидан эсон-омон ўтиб

Сайёҳнинг телефонда маълум қилишича, сафар кўнглидагидек давом этмоқда. Соғлиги, кайфияти яхши. Шундай қилиб, Мурод Қосимовнинг Араб мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У Сурия шаҳар ва қишлоқларида бир ойча бўлгач, Йордания, Саудия Арабистони, Миср Араб Республикаси ва бошқа давлатларга йўл олади.

Ортиқали
ТИЛОВБЕРДИЕВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўйларда қўша-қўша овоз кучайтиргичларни қўйиб ярим кечагача атрофдаги хаста, касалманд кишиларни безовта қилиш, уйинчилар, санъаткорлар устидан сўм, долларлар сочиш — бизнинг одат эмас-ку. Биз маҳалла оқсоқоллари, кексалар Президентимиз Фармонини қандай қилиб ҳаётга татбиқ этишни ўйлашимиз керак. Хатто ҳаром-хариш йўллар билан бойиган шундай пулдорлар ҳам борки, улар кексаларни ҳам менсимай қолишган. Маслаҳат берсанг, тўйини ресторанга ҳам қўчириши мумкин. Биз оқсоқоллар биринчи навбатда тўй комиссиялари таркибини қайтадан тўзиб, босар-тусарини билмай қолган пулдорларни тартибга чиқаришимиз, тўй-маърақа ўтказувчиларга маросимларни қандай ташкил этишлари тўғрисида маслаҳат беришимиз керак. Тўғри, бойлар, пулдорлар кўпайгани яхши, бироқ, улар бир нарсани тушунишсин: бойлар ортқича исрофгарчилик, сарф-ҳаражатлар қилгандан кўра ўз шаҳри, маҳалласини ободонлаштиришга ҳисса қўша қандай яхши бўларди. Масалан, Нобель маблағи ҳисобига ташкил этилган жамғарма ёхуд Третьяков суратлар тўпламидан бутун дунё фойдаланяпти, улар тараққиёт учун хизмат қилаяпти-ку. Қадимда Тошкентда 12 та дарвоза бўлган, Президентимиз ҳам бу ҳақда 1992 йилда тўхталиб ўтган эдилар. Ўринли савол туғилади: нега пулдорлар беҳуда «кутуриш»дан кўра ўша дарвозаларни тиклаш, касалхона, богча, йўлларни қуришга, аҳолини соғломлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшмайдилар?

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳалламизда Фармон асосида йиғилиш ўтказдик. Тўй-маъракалар комиссиясини энг ҳурматли оқсоқоллар ва ишчан, сергайрат ёшларни жалб этган ҳолда қайтадан тўздик. Баъзи ўзбошимча, ўзбилармонлар маслиҳатимизга кўнмаса, уларни маҳаллада муҳокама қилишга келишиб олдик. Ўйлайманки, мана шундай йўллар орқали тўйларимизни тартибга солишимиз, қадриятларимизни тиклашимиз мумкин.

● Абдуқодир ХАЙДАРОВ,**Тошкент шаҳар бош имом хатиби:**

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Президентимизнинг Фармонлари Оллоҳнинг бир раҳмат, муруввоти бўлса, мана шундай анжуманлар ҳам яратганинг марҳаматидир. Уни биз мусулмонлар хурсандчилиги билан қабул қилдик. Иншооллох, ушбу Фармон маросимларни ўтказишдаги мавжуд камчиликларни тугатиш йўлида дастуриламал бўлади. Зеро, етти-йигирма, қирқ, пайшанбаллик ва яшанбаллик маросимларининг шариятда йўқ эканлигига фатво берилган, маъракаларда ош дамлаб, тарқатиш бидъат, хурофот эканлиги тушунтириляпти. Бу бидъатларга чек қўйилик, Фармондан руҳлиб юқоридаги динда йўқ, хурофотга етакловчи иллатларнинг илди-зига болта урайлик.

Тўғри, эҳсон қилиш керак, дейилган, бироқ биринчи набатда бола-чақаларга, қариндош-уруғларга ихчам, чиройли, шариятга мос, халқ маърифатини кучайтирадиган кичик хурсандчилик маросимларини ўтказиш мумкинлигини англашимиз керак. Чунки, шундай кишилар ҳам борки, юртга дабдабали ошлар бериб, ночор кўшнисига бир товок ҳам чиқармайдилар. Ахир қўшининг оч бўлса, атрофдаги богча, мактаблар ночор бўлса, катта ошлар бериш инсофданди? Оллох ҳам берилган неъматларни енг, ичинг, бироқ уни исроф қилманг дейди. Авваламбор инсоннинг ўзи, бола-чақаси, аҳли аёли тўқ бўлсин, ана шундан кейин маҳалла-қўйга қарасин. Ким ўз эҳсони билан фахрланса, бундай бандаларга шафоат бўлмайди. Ҳаммамиз биргаликда оқсоқоллар билан келишиб ишласак, Оллоҳнинг катта марҳамати, баракоти билан иншооллох, ортқича исрофгарчиликларга ҳам чек қўйган бўлардик.

● Саида КАЛИЛОВА,**Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Ҳозир кўз фасли. Айни пишиқчилик. Тўйлар кўп ўтказилаяпти. Туманимизда 52 та маҳалла бўлиб, уларда истикомат қилувчи оилалар орасида ўзига тўқлар ҳам, боқувчисини йўқотган камхаржлар ҳам бор. Тўйлар мўмай пул топувчи шуҳратпарастларга осон кечса, ночорлар қарзга ботляпти. Фарзандлари жиноятга қўл уриятти. Чарларни олайлик. Тўйдан кейин кўёв

томон 80-100 та аёл билан чарларга боришяпти. Унга янги русум ҳам қўшилди: куёв чакириқ ҳам шу куну бўлиб, у ҳам 20-30 та оғайниси билан чарларга борапти. Натижада чарларлар ҳам тўкин дастурхону санъаткорлар иштирокида ростмана тўй тусини оляпти. Кейинги пайтларда никоҳни қайд этиш маросимига 10 та, 20 таб чет эл машиналарининг боришини қўйиб турайлик, ЗАГСдан сўнг яна катта маросимлар ҳам ташкил этиляпти. Халқимизда, «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ибратли нақл бор. Барча маҳаллаларда оқсоқоллар бошчилигидаги фаоллар тўй ва маъракаларни ўтказиш бўйича ички тартибни белгиласалар ва шунга асосан ҳар бир фуқаро ўз маросимини ўтказса нур устига аёло нур бўларди.

Фармон ва ижро

ТҲЙ ВА МАРОСИМЛАРИМИЗ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ХОС ВА МОС БЎЛСИН

Қолаверса, ҳайитларимизда ҳам келинларни қўриш маросимлари ҳаддан ташқари кучайиб кетаяпти. Уч кун ҳайитда қизнинг ота-онаси тоғора-тоғора овқатларни ташишига тўғри келяпти. Фаоллар номидан шуни таълиф қиламан: никоҳдан кейинги чарлар маросимларини шаҳар бўйича қисқартирсак. Чарлар қудалар билан оилавий танишув тартибиде ўтказилса.

**● Сайфулла ОКМИРЗАЕВ,
Мирзо Улугбек туманидаги
«Гулистон» маҳалла фуқаролари
йиғини раиси:**

— Албатта, Президентимизнинг Фармони ўз вақтида чиққанлигини таъкидлаб ўтиш керак. Шуни очик тан олишимиз жозиқ, асрлар мобайнида қўтилган мустақиллигимизни мустаҳкамлаш чоғида нохуш йўлларга ҳам тушдик, ҳаддимиздан ҳам ошдик. Келинг энди элим, юртим деб ёниб ишлаётган Президентимизга эш бўлайлик, бизлар ҳам юртимиз раванки йўлида жон қўйдиришни ўрганайлик.

Тўйларимизнинг тобора ҳаддан ташқари дабдабали бўлиб кетаётганлиги айни ҳақиқат. Масалан, никоҳни қайд этиш маросимларини олайлик. Биз уйланган вақтларда келин, куёв, янга ва куёв яўра — тўрт киши борардик. Келин янгага битта тугун бериш билан тадбир ниятисига етарди. Шукур, шундай тўйларни кўрган тенгдошларимизнинг ҳаммаси аҳил, ували-жували, 5-6 нафардан фарзандлари бор. Ҳозирги ЗАГСларни олинг. Қўша-қўша видеолар, 20 та машина — ё ҳаммаси оқ бўлиши керак ёки ёппасига қора бўлсин эмиш. Суннат тўйларини олинг. Илгари бир пуд ош билан тўй ўтарди. Ҳозирдаги каби 200 килограмм ош дамлаб, 4-5 жойга артист қўйиб хониш қилдиришининг нима кераги бор? Келин ҳайитларини ўтказиш борасида ҳам кимўзарга тушиб кетганмиз. Ўзингиз ўйланг: битта кўчада 4-5 та жойда ҳайит бўляпти, дейлик. Уни ҳам албатта ҳар ким ўз ҳолича ўтказиши. Эл оғзига элак тугтиб бўлмайди — дабдабали дастурхондан чиққандан сўнг ночорроқ оилага кирганлар воситасида маҳаллада нокерак, ғийбат гаплар тарқалмайди, ахир. Бундай ҳолларнинг барчасини кўрган халқ шубҳасиз нафратланяпти.

Халқимизнинг азалий ажойиб одадига бойлар ночорларга ёрдам берса бўлмайди-ми? Мана, яқинда бир киши келиб тўй қилмоқчилигини айтиди. Биз унга харажатларни қисқартиришни маслаҳат бериб, бунинг ҳисобига 105-интернатга баҳоли қудрат ёрдам беришни сўрадик. Натижада у ўз жамғармасидан 2 қол шакарни ногирон болаларга элтиб берди. Халқимиз инсофли, фақат уни мана шундай тўғри йўлга солиш керак.

Сабзи тўғраш тадбирларимизга ҳам эътирозлар бор. Боринги 50-60, ҳатто 70 килограмм сабзини ҳам 10-12 киши бемалол тўғрайди. Ҳозирги,

баъзи жойларда сабзи тўғраш маросими ҳам тўйларга ўхшаб кетаяпти — 2-3 хил таом тортилган, артистлар келган, ичкиликлар бисёр...

Маҳалламиздан яна бир мисол. Яқинда ақиқа қилиш тўғрисида айтишганди, 30-40 та одам, битта домла ва бир хил таом бўлсин дегандик, хонадон соҳиби худди шундай қилди. Маросим жуда файзли ўтди, ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Хуллас, менинг фикрим шу: пулдорлар дабдабали тўй қилиш ўрнига ортқича жамғармаларини бева-бечоралар, кўп болали оилалар, касалхона, богчаларга берсин — ана ўшанда улар савобнинг тағида қолади. Биз хотин-қизлар ўртасида ҳам бу борада тушунтириш ишларини олиб бораёғимиз.

**● Саид САЛИМОВ,
Республика «Маънавият ва
маърифат» жамоатчилиги маркази
Тошкент шаҳар бўлимининг
раиси:**

— Катта-катта тўйлар қилган, 2-3 қаватли иморат қурган кишилар — халқ олдида ўзининг муттаҳамлигини кўрсатиб қўяпти. Мен ўзим иқтисодчи бўлганим туфайли, масалани чуқур ўрганиб қикдим. Масалан, тадбиркор 1 миллион сўмлик маҳсулот чикарса 50 минг сўм соф фойда олади. 42 миллионлик маҳсулотдан 500-800 минг сўм фойда олса салмоқли қисмининг янги техника, мукофот пулларига сарфлайди. Бундай ҳалол пулларга иморат қуриб ҳам, катта тўй ҳам қилиб бўлмайди. Масаланинг тарбиявий аҳамияти ҳам бор: дабдабали тўйларни кўрган болалар ҳам келажакда шундай тўйлар ўтказиш, 5-6 та санъаткор айтиб, пуллар сочишни орзу қилади.

Масаланинг аянчли томони шундаки, давлат ва жамоат ташкилотлари нима учун бефарқ — чора-тадбирлар қўрмайди? Нима учун Фармонни кутамиз? Мана, 30 йилдан бери шу масала қўтарилса-да гап гаплигича қилиб кетарди. Бу гал қуруқ муҳокама билан чекланмасдан қатъий ишларни амалга оширишимиз керак. Жойларда Фармон моҳиятини ҳар бир одамнинг онига етказишимиз керак. Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳам ўғил уйлантирилганларида камбағал, бева-бечораларга 40 кун ош бериб, сўнг камтарона тўй қилган эканлар.

Албатта дабдабали тўй, эл оғзида қоладиган маъракалар киши амалига амал, маошига маош қўшмайди. Одамлар орасида фақат шу киши тўғрисида у катта ўғирлик қилади, бир жойни ўпириб ётибди, деган гап тарқалади, унинг кирдикорлари фаш бўлади, холос. Демакки, катта тўй, бошқа бир кунилик маросимларни жаражарақ пулларни сарфлаб ўтказиш эмас, балки кўприк, йўл, богчалар қуриш кони савоб бўлади, кишининг номи абадий қолади. Ана шундай савобга интилсак ютуқ бизнинг томонимизда.

**● Абдурашид қори БАХРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идорасининг раиси, муфтий:**

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Хурматли Йўлбошимиз Ислам Каримовнинг Фармонлари азалий анъаналар, қадриятларимизга хизмат қилиши, халқ манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан ютуқлидир. Зеро, Оллох инсонни барча маълукотлардан афзал, азизу мукаррам қилиб яратди. Шундай экан у бериб қўйган улуг неъматлардан тўғри фойдаланишимиз керак. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳайъати, уламолар кенгаши исрофгарчиликларнинг олдини олиш юзасидан бир нечта Фатво чиқарган эди. Энди уларни қайта қўриб чиқиш, фаол татбиқ этишининг фурсати етди. Оллох Таоло оғохлантиради: бир шаҳар фаро-

вон яшар, дунёнинг барча жойидан унга неъматлар етиб турар эди. Унинг аҳолиси еди, ичди, бироқ ношукрчилик, исрофгарчилик қила бошлади, ҳаром ишларга қўл урди. Натижада Оллох уларни очлик азобида йўлиқтирди.

Қуръони каримда қилларга яхшилик қилиш, исрофгарчиликлардан қандай сақланиш кераклиги кўрсатилган. Қариндош-уруғ, етим-есир, мискин мусофирларга ҳаққини бериш керак. Бироқ ҳаргиз исрофга йўл қўймаслик керак. Зеро, **исроф қилувчилар — шайтоннинг шерикларидир**, дейилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам Фармондан келиб чиққан ҳолда тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш, уларни ўтказишда исрофгарчиликларнинг олдини олиш юзасидан қуйидаги тақлифларни ишлаб қикди:

1. Маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари, масжидлар томонидан тўйлар ҳамда маъракалар муносабати билан нахорда тортиладиган ҳамда кўп исрофгарчиликларга олиб келадиган ошлар на диний, на дунёвий томондан асоссиз эканлигини халққа тушунтирса;

2. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзтеледиоккомпания томонидан йигирма, қирқ, йил каби маросимларнинг ислом арконларида йўқ эканлиги, ушбу маросимлар мусибат тушган хонадонларнинг моддий аҳволларини янада мушкул аҳволга солиши, ортқича исрофгарчиликларга сабаб бўлиши тўғрисида телевидениеда давра суҳбати ўтказилса;

3. «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан республика даврий нашрлари саҳифаларида тўй ва маросимларни ўтказишда исрофгарчиликларга йўл қўйиш нотўғри иш эканлигини, исрофгарчилик билан ўтказилаётган тадбирлар жамиятимиз ва халқимизга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтираётганлигини диний ва илмий асословчи мақолаларни эълон қилиш, ўйлашмики яхши натижаларга олиб келарди.

● Шухрат ЖАЛИЛОВ,**Республика «Маҳалла» хайрия
жамғармаси раиси:**

— Кеча жамғармамизда Фармонда кўрсатилган мутасаддиларни йиғиб маслаҳат кенгашини ўтказдик. Барча қўриладиган чора-тадбирларни муҳокама қилдик. Шуниси ачинарлики, 1992-93 йилларда маҳаллаларда тўй комиссиялари фаол ишларди. Сўнг у ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетса-да, оқсоқоли кучли жойларда ҳали ҳам тўй комиссиялари фаолият кўрсатаяпти. Уларни тиклаб, тушунган одамларни қўйиб, махсус тизим яратсак яхши бўларди. Яқинда ўтган аттестация жараёнида оқсоқол кучли бўлса, халқни ўйлаб иш олиб борса, тўй ва бошқа маросимлар ҳам ихчам ва файзли ўтишига ишонч ҳосил қилдик. Декабрдан кейин оқсоқолларни сайлаш ишини бошлаймиз. Бунда ўз сўзида турадиган, ҳурмати катта, бойваччалардан қўрқмайдиганларни танласак тўғри бўлади. Тўй режасини асосан аёллар тузади, биз амалга оширамиз. Бу ишни хотин-қизлар кенгашилари билан биргаликда олиб боришимиз керак.

Фармоннинг тўйга қарши эмаслигини ҳам тушунишимиз керак. Зеро, ҳаёт бор — тўй, ўлим бўлади. У дабдабали, тўй-маъракалар, манманликка қаршидир. Тўйлар ихчам, камтарин бўлсин.

Энг муҳими, бу вақтинчалик кампания, чора-тадбирлар эмас, балки биз ҳар доим Фармонга амал қилишини назорат этиб, маслаҳат беришни йўлга қўйиб, доимо бажаришимиз даркор.

Фармон — бу маҳаллага яна бир марта ишонч демакдир. Уни оқлаш учун бутун куч-имкониятимизни сарфласакки яна ижобий натижаларга эришамиз.

Йиғилиш давомида мана шундай тиник фикрлар, тавсиялар, жўяли тақлифлар кўпалаб билдирилди. Шубҳа йўқки, тўй ва маъракаларнинг ихчам, камхаражат, тартибли ўтиши аҳолининг моддий ва маънавий раванки йўлида ҳам муҳим омилдир.
Тошкент шаҳар фаоллари ва жамоатчилик вакиллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов қатнашди ва сўзга чиқди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотирасига бағишланган маърақа ва маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони халқимиз дилидаги айни муддао бўлди. Шу муносабат билан ўзим шохиди бўлган бир ҳаётий воқеани оқшомхонлар ҳукмига ҳавола этмоқдаман.

Ҳикоят холанинг яккаю ягона ўғли Аҳмаджоннинг фожиали ўлими бир зумда тарқалди. Тасодифни қарангки, эрталаб ишга кетаётган катта кўчани кесиб ўтаётганда Аҳмаджонни машина уриб юборибди.

Марҳумнинг мўъжазгина осойишта хонадон бирдан алғов-далғов бўлиб кетди. Муштарона она, унинг ўғлидан ёдгорлик бўлиб қолган тетапоё уч бола, бева келиннинг охи-зори юракларни ларзага солди.

Воқеадан хабар топган маҳалла оқсоқоли Воҳид ака «Маслаҳат учун фаолларни чақираман» деб эндигина идорасини очиб турганида

Муносабат

КИМГА ТҲЙ, КИМГА АЗА

унинг ёнига ҳаллослаб (яқин-атрофдагилар ўртасида «Бой» номини олган) Каримбой келди.

— Энди нима бўлади, Воҳид ака?

— Пешонасига ёзилгани шундай бўлса биз нима қилайлик. Лекин онасига жабр бўлмида, — деди оқсоқол гап мазмунига тушунмай.

— Э, падарига лаънат, уни айтаётганим йўқ. Эртага бўладиган тўйни гапирялман. Қўрмайсизми шу исқиртнинг ўлими шу кунга қараб турганини.

— Оғзингизга эрк берманг. Уялмайсизми шундай дегани. Ахир девор-дармиён қўшни бўлсангиз.

Воҳид ака яна бир-икки сўз айтиб узиб олай деди-у вазиятни ҳисобга олиб, индамай қўя қолди.

— На илож, ими-жимиде ўтказасизда тўйни. Ахир қўшниникида аза бўлиб турганда сизнинг хонадонингизда базму жамшид тарақлаб турса бўлмас.

— Шуниси менга маъқул кўринмайди. Ахир мен катта бир идорага бошлиқ бўлсам. Шундай бўлгач биласиз ёр-биродарлар кўп, тўйни ими-жимиде ўтказиб бўлмайди. Бунинг устига йиллаб орзу-ҳавас билан ўғил уйлантираётган бўлсам.

Хонага фаолларнинг кириб келиши билан гап узилди. Воҳид аканинг ўтир-ўтирига қарамай Каримбой зарда билан ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди.

Маҳалладошлар бир тан, бир жон бўлиб марҳумни қабрга қўйишди. Оиланинг ночорлигини ҳисобга олиб кимдир гўрковга, кимдир юғучига берадиган пулни кўтарди. Холанинг бор-йўғини билдиришмади. Каримбой маросимда деярли қатнашмади. Сабабини келин келатган уй чиллалли бўладиге йўйди.

Таъзияга келиб-кетувчиларнинг кети узилмай қўшни хонадонда сабзи тўғрар баҳонасида базми жамшид бошланди. Каримбой маҳалладошларнинг гап-сўзларига кирмади. Ўз билганидан қолмади.

Эрталабки ошда дастурхонга тортилган гўшти нону лаззатли таомлар, турли хил ичимликларнинг кети узилмади. Санъаткорларнинг бор овозича баландлатиб қўйилган овозни-гордан қўшиқлари янгради.

Қараб туриб ҳайрон қолсан. Унча-мунча тўйни назар-писанд қилиб бормайдиганлар бунақа бадавлат кишиларнинг ном қикарга қилаётган тўйга аллақачонлардан «эшак миниб» бўлса ҳам ётиб келишади. Яна эшик тағида соатлаб тик оёқда ҳассакаш бўлиб туришларини айтинг.

Қўшни хонадонга таъзияга келганларнинг қай эшикка киришларини билмай бошлари қаранг. 400 килограмм гуруч дамланган ош учма-уч келди. Ошдан кейин дабдабали ЗАГС маросими, кечқурун яна келин шарафига базм.

Айтишларича, тўйнинг қизиги шу куну бўлибди. Каримбой санъатчилар бошидан бир неча бор пачкали юзталикларни сочибди. Муҳтожликдан майитни чиқаролмай ўтирган қўшнисига пул беришга оғринган одам тахлами бузилмаган юзталикли одамлар кўз ўнгиде ерга сочгани уялмабди ҳам.

Ёнма-ён икки ховлининг бирисида уч кун таъзия, бирисида уч кун тўй бўлди. Энг ёмони орадан бир ҳафта ўтганидан кейин — Каримбойнинг қамалиб қолгани ҳақида хабар бўлди. У ўз ишхонасида кимдандир пора олаётганда қўлга тушибди.

Ушбу қиссадан қандай ҳулоса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

● Шуҳратпарастликка берилиш азалдан доноларни беақл қилиб келган.
И. КАНТ.
● Агар шуҳратпарастлик кимнидир бахтга етказган бўлса, хойнаҳой уша одам тентак бўлса керак.

Ж. РУССО.
● Шуҳратпарастлик буюклидан кўра кўпроқ ожизлик белгисидир.

Ж. СВИФТ.
● Шуҳратпараст одам ўзи ҳақида яхши гапириб ҳам, ёмон гапириб ҳам ху-зурланади; камтар одам эса ўзини сира гапирмай қўя қолади.

Ж. ЛАБРИОУЕР.

ШУҲРАТПАРАСТЛИК — ОҒИР КУЛФАТЛАР МАНБАИ

● Шуҳратпараст одам ҳаммаша пасткаш бўлади.

П. ЧАЙКОВСКИЙ.

● Шуҳратпараст кишилар донолар нафрат-ю тентақлар хайратини уйғотиб, текин-хўрлар сиғинадиган қимсага ва ўз эҳтиросларининг қўлига айланадилар.

Ф. БЭКОН.

● Шуҳратпарастлик кишини маҳмадана қилиб қўяди.

А. ШОПЕНГАУЭР.

● Мечкай шуҳратпарастлик одамнинг он-гини заифлаштиради ва у ўзига яқинлашиб келатган хатарни сезмайди.

ЭЗПО.

● Шуҳратпарастлик ўзимиз лойиқ бўлмаган шон-шуҳратга бевақт эга бўлишга ури-нишдан бошқа нарса эмас.

● Шуҳратпараст ўзи билан ўзи шу қадар бандки, унинг қўлигига зигирча ҳам бегона нарса сиғмайди.

А. СМИТ.

● Шуҳратпараст ўзи билан ўзи шу қадар бандки, унинг қўлигига зигирча ҳам бегона нарса сиғмайди.

Т. ПЭН.

● Шуҳратпарастлик бизни ақл бовар қилмас даражада хоҳишимизга қарши ҳаракат қилишга мажбур этади.

Ф. ЛАРОШФУКО.

● Шуҳратпарастлик энг кучли хоҳишдир. Мени бу хоҳишдан ҳалос этгин, қолганларидан эса ўзим қутулам.

Р. ШЕРИДАН.

● Шуҳратпарастлик бизнинг дилимизда ва ўзимизга қарши ҳаракат қилувчи дахшатли кучдир.

В. ГЮГО.

Кодир Оллох инсонларни яратар экан, уларни қайсида маънада бир-бирларига қўри-мас иплар орқали боғлаб қўйганки, айниқса, бу ҳолат шифокор ва бемор тақдирда яққол намоён бўлади.

Шифокор сўзи замирида инсон ҳаёти бор. Беморда пайдо бўлган билинар-билинимас салбий белгига оғзинга эътибор қилинмаса, бемор аҳоли оғирлашиб, ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлади. Буни юракдан ҳис этиб, ақлан идрок этган шифокоргина бемор дардига малҳам бўла олади.

Бугун биз инсонлар саломатлиги учун қайгураётган, бир соҳанинг оилавий жонқуярлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Абдулло Нуруллаевич Абдуллаев, 1947 йилда Ер юзининг сайкали бўлган Самарқандда, педагоглар оиласида таваллуд тогган. 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг қўлоқ, бурун, томоқ ва ҳикюлдок касалликлари кафедраси доценти, қўли енгил жарроҳ, Бахтли оила сардори, икки нафар фарзанди бор.

— Менга маъзур соҳани танлашда, жарроҳликка қизиқиш уйғотишда ҳам туртки бўлган тоғам тиббиёт фанлари доктори, профессор Акрам Мўминовдир, — дейди Абдулло Нуруллаевич.

— Дарҳақиқат, Абдулло ака ёшлугидан «Тоғамдек доктор бўламан» деб юрагига тугиб қўйганди. Орзу ўз-ўзидан амалга ошмайди. У изланди. Тинимсиз китоб оқиради.

1968 йилда «Сўрункали тонзиллитни консерватив даволаш усуллари» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. 1995 йилда эса доцентлик унвонини олди. Унинг бу иши сўрункали тонзиллит билан оғриган беморларни (тис-сиз) консерватив йўл билан даволашда қўлланмоқда.

Абдулло Нуруллаевич, сўхбатимиз орасида талабалик йилларида тажриба ўтаётган пайтингизни эсладингиз. Операция хонасида қонни қўриб, қўрқиб кетганлигингизни айтдингиз. Бирок шунга қарамай қон билан боғлиқ бўлган жарроҳлик касби-ни танлашингизнинг боиси нимада?

— Турги, шундай бўлган. Юқорида айтганимдек тоғам билан кўп бирга бўлиб, у кишининг иш тажрибаларини кузатиб кўзимни пилган. Тобора жарроҳликка қизиқишим орта борди. Яширмайман, бир пайлар докторларни қўра-била туриб беморлар танагига тири санчадилар, деб ўйладим.

Уз тажрибамдан билдимки, шифокорлардек меҳрибон, юмшқўқунгил инсон бўлмаса керак. Агар у ўз касбини севган чин шифокор бўлса, бемор билан баббарбор азиятланади. Анқорига бемордан ҳам кўра ортироқ дард чекади. Негаки, бемор ўз касалининг оқибати нима билан аяқланишини билмайди. Шифокордан умид кутади. Наҳот истаб, тақдирини унинг қўлига топширади. Агар дарди енгил бўлса, ҳў... Зеро касални ўтказиб юборган бўлсанки, унинг оқибати ўлим билан тугасан-чи, бундай ҳолда шифокор беморнинг оқибати қандай чекмайди? Турги, бемор танагига тири текказми осон иш эмас, бироқ ўша пайтда фикри ҳаёлимизда бемор ҳаётини сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлади.

Абдулло Нуруллаевич, илмий изланишингизни давом эттириш ниятингиз борми?

— Менинча бир оила учун битта профессор бўлса қийин, деб ўйлайман. (Ҳазил албатта). Келинобингиз бу соҳада мендан кўра тиришқоқроқ, чаққонроқ чиқилар...

Мушарраф Ашурова буюролик. Самарқанд тиббиёт институтини Абдулло Нуруллаевич билан бирга тамоқлагат. Абдулло ака айтганларидек, Мушарраф опа ўта тиришқок ва изланувчан бўлгани учун ҳам институтни иттибёли диплом билан тамоқлади. Уни институтда олиб қолишди. У 3-курсда эканидаёқ илмий изланишини бошлаган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ 1975 йилда ном-

зодлик диссертациясини муваффақият-ли ёқлаб олди.

У илк бора қўлига скалпел олган ҳаяжонли дамларни ана шундай эслайди.

— Самарқанд тиббиёт институтининг уқумий жарроҳлик кафедраси мудир, профессор А.И.Бритун 5-курсдалигимизда беи кишидан иборат гуруҳга «Радика-тив нурларнинг таъсироти» бағишлан-

ди уларнинг илмий изланишларига оила, янги рўзгор, мустақил ҳаёт таъшишлари ҳам қўшилган эди. Ҳадемай, Аллоҳ улар-ни фарзанд неъмат билан қийлади. Энди эса бола тарбиясидек масъулият ҳам рубору бўлди. Мушарраф опа илмий иш юзасидан Москвага борганида қўлига бир журнал тушиб қолди. Унда австралиялик олимлардан Маршалл ва Йорренларнинг

«Ақил оила — муқаддас Ватан» танловига

ҲАЁТ МИРОБЛАРИ



ган мавзунинг тавсия этганди. Мен шу муаммонинг бир қисмини, яъни радиоак-тив нурларни шароитида нерв толаси-нинг шикастини жарроҳлик йўли билан тиклаш борасида изландим. Ишчи нати-жални чиқишга қўзи етган доктор А.И.Бритун номзодлик диссертациясини ёқлашини маслаҳат берди.

Едимда, илк бора қўлимга скалпелни тутқазган ҳам А.И.Бритун эди. Ўша кунни ҳаяжонсиз эслай олмаيمان... Жарроҳлик хонасида эдик. Чўра касаллиги билан касталанган беморни операция қилиш керак эди. «Мушарраф Раҳимовна, сизга ишонман, бу ишни ундайлашди», — дея қўлимга устоз скалпелни тутқазди.

Мен ҳаяжонда эдим, чунки унақа-бў-нақа жарроҳларни тан олмайдиган, бабо-ру инсон менга ишонч билдирапти. Бироқ, унинг бу ишончини оқий олма-микан, деган андиша менга тинчлик бер-мади. Аллоҳга беадад шукроналарким, операция муваффақиятли аяқланди.

1975 йилдан буюн 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг умумий жарроҳ-лик кафедрасида жарроҳлик қилиб ке-лаётган Мушарраф Раҳимовнани қўчи-лик хўрмаёт билан тилга олади.

«Аёл кишининг 40 жони бўлади», — дейди халқимиз. Мен аёлининг ўша 40 жонини, айнан Мушарраф опанинг тақ-дирда қўрдим. Дарҳақиқат, институтни тамоқлаб, илмий изланиш билан, ба-нда бўлган Мушаррафининг ота-оналари турмушда берди. Икки олий маълумот-ли ҳамкасба, ёш келин-кувв нихоҳ тўйларидан сўнг Тошкентга келдилар. Эн-

илмий мақолалари чоп этилган бўлиб, унда ҳеликобаектер микрообларни топан-лиги, бу микроб албатта ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакни яллиғлантириб ярага олиб келиши, маъзур микроб ча-кирган яра тўғайли бемор тез-тез оғир-туриши илмий жиҳатдан исботлаб берил-ганди.

Бу мақола Мушарраф опага тинчлик бермади. Энди докторлик диссертация-ни ёзишни режалаштирди. Бироқ оила, фарзандлар... Ўйлай-ўйлай ун йўлдоши билан маслаҳатлашди. Агар у осон бўл-са, барча қийинчиликлар учун 40та жо-нини фидо этишни ўйлаб қўйди.

— Дадаси, — дея гап бошлади у шифокорга хос мулойимлик билан, — ав-валдан айтиб қўй, агар тайёр мавзунгиз бўлса, ишингизни давом эттириг, қар-қўлингиз бўлсин. Агар изн берсангиз ўта за-рур мавзу чиқиб қолди. Докторлик иши-ни бошламан... дегандим.

— Ҳабарим бор, — деди Абдулло ака, — туни билан уломайсан, ўйлаб чиқас-сиз. Сизнинг ўринингизда мен бўлсам ҳам шундай қилардим. Бироқ қийналиб қол-масингизми?

— Сиз эчимда бўлсангиз қийнал-майман, — деди у қатъий оҳангда. Ўша кунданок ҳаракатга тушди. Собик иттифоқ микробиде биринчи бўлиб, ҳели-кобаектер микроби билан чақирилган ош-қозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касал-лигини жарроҳлик йўли билан даволаш усулини топди.

У бошқа аёллардек, кино томоша қи-лишни, истироҳат боғларида сайр этиш-ни ҳаёт этмади. Янги-янги қиймлар учун

сарфлаши мумкин бўлган пулларига ада-биётлар сотиб олди.

Аллоҳ ҳар бир бандасига ақл ва их-тиёр неъматини берганим, ҳар ким ҳам бу азиз неъматларни қадрига билвер-майди. Зеро Мушарраф опа ақл-зако-ватини ишга солиб, ихтиёрини фойдала-ти натижаларга сарф қилишликни улўғ неъмат деб тушуни.

— Маданий ҳордиқ чиқариш, ўйин-кулгу, кино-театрларни томоша қилиш қимга ёқмайди дейсиз, — дейди у, бироқ шундай пайларда кўз олдинда дард билан олишаётган беморнинг на-жот истаб мултираган мунгли қиёфаси гавдаланаверади.

— Ўзгалар наздида арзимас бўлиб туюлган нарсаларга нисбатан ҳам ўта хўшёр ва зийракликка ўргатган професс-ор Б.М.Буянов, амалий жиҳатдан ўз тажрибаларига асосан сабот ва матонат билан бегараз меҳнатларини аямган профессор М.А.Ашурова, профессор А.Х.Янгиев, академик Ў.А.Орипов, про-фессор С.М.Абсамқужаев, А.А.Илҳомов, институт ректори, академия муҳбир аъзоси Т.А.Даминов, профессор М.М.Мирсаидов, илмий иш бўйича про-ректори М.Х.Ҳужабеков каби устоз-лар билан ҳаммиша фахрланаман. Не-гаки, улар менинг етук соҳа кишиси бў-либ етишшишда мен билан баробар меҳнат қилдилар.

Дарвоқе, ҳозирги пайтда, оила, рўз-гор, бола тарбияси қолди-қетди... қан-ча қанча муаммоларни ҳам беш аёл-нинг зиммасида. Бироқ бу муаммолар-ни ҳар ким ўзинча ҳал этади. Мушарраф Раҳимовнани бу борада жасорат эгаси дейиш мумкин. Сир эмаски, тирикчилик деб, бозорма-бозор, юрма-юрт қоп кў-тариб, аёл деган ноёб номини поймол этиб, ҳаётини фақат беш аёлнинг ор-тиришда қўрган аёллар қўчилиги. Шу нуктаи назардан қараганда бутун умри-ни, ёшлик баҳорини, бегубор юрагини, қўч-қувватини беморларни даволаш учун илмга, изланишга жон фидо этган ши-лофокор М.Ашурованинг жасоратидан да-лолат олаётган беморларнинг қўли.

Албатта профессор бўлишда ҳамма-дан ҳам кўра унинг ун йўлдоши Абдул-ло аканинг ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ ҳиссаси бор. Бунда рафиқасининг илм-га чанқоқлигини, ихтидорини тан олиб, унга изн бериши бир мардлик бўлса, Мушарраф опанинг изланишларига им-кон еретиб, болалар тарбияси билан ўн шўғуллиниши, барча оилавий муаммо-ларнинг бошида ўзи турмуш яна бир мар-дликдир. Юқорида айтгани, «Бир оила учун бир профессор қўғам бўлса ке-рак», деган ҳазили ҳам беҳиж эмас...

Оиланинг тўнғич фарзанди Азизжон ҳам ота-она изидан қолди. У бу йил Тош-кент Давлат тиббиёт институтининг да-волаш қўлининг 6-курсини тамом-лади.

— Мен, — дейди Азизжон, — қамтар ва камсуқум ота-онам билан фахрлана-ман. Улар ҳақида ҳамиша илқ гаплар эшитаман. Қўпгина онам тунги наваб-чиликка борганида ўзим билан мени ҳам олиб кетардилар. Хавасга эмас, ноилоқликдан албатта, шу сабабми ёки бошқа нарсам: ҳар ҳолда тиббиёт со-ҳасини танладим. Мана 6-курсни тамом-ладим. Мен ҳам улдарек жарроҳликни ўзимга ихтиёр этдим.


Нарғизахон, шифокорлик сизлар учун оилавий аънамага айланиб қолган қўридан. Бу аънаани сиз ҳам давом эттирмоқчимисиз, ёки?

— Насибона ака, ўзингиз учун қаерга ҳужжат топширганимни айтман. Хали олинда ҳаяжонли, масъулиятли дамлар турбиди...

— Сиз изланишнинг раъйига қараб қаерга кириб қўймоқчи эканини сир сақ-ладик. Ҳар ҳолда оила аънаясини да-вом эттирса ажаб эмас.

Биз оила билан бир соҳада жон-қуярлик қилаётган бу бахтиёр оилага оила-вий бахт ва хотирмалик тилаймиз. Ҳаммиша соғлиқ ва саломатлик тани-жон-ингизни тарқ эмасин, деймиз.

Насибона ХОЖИМУРОД ҚИЗИ. СУРАТДА: оилавий шифокорлар.



Танлов ҳоимиси — БМНН

Беш-Юзюкчи — фирмаси.

Жалолоддин Мангубердининг 800 йиллиги олдидан

МАРДУ МАЙДОН САРКАРДА

Бурғунлар уясида сўт эмирдир онамиз, От устида ўргатди жанг қилишни отамиз. (Қадимий ёзишмалардан).

Марказий Осиё халқларининг Чингизхон бошчилигидаги мўғул-лар босқинчилигидаги қарши туриб, бундан қарийб салкам саккиз юз йиллар муқаддам олиб борган та-рихий қурашига етакчилик қилган ҳарбий саркарда Жалолоддин Мангуберди ўзбек халқининг бе-қиёс оташқал фарзандидир.

1220 йил ёз охирида мўғул қўшинларининг Ўрта Осиёга узиш-кесил ҳужуми бошланди. Хоразмшоҳ Алоудин Мухаммад Соний ҳеч қандай жиҳдий қаршилик қўрсага олмади, ақси-ча, мамлакатни ўз ҳолига ташлаб, қочмиш шайланди. Чингизхон қўшинлари ҳимосиз қолган хоразмшоҳлар қўл остидаги улкан ер-ларга бало-қазордек ёпирилиб кирди. Боғу бус-тонлар ёв отларининг тўғқлари остида топ-талди. Қўл қучи ва дил заковати билан бунёд этилган маданият обидалари вайрон этилиб, қултупаларга айланитрилди, аҳоли эса қириб ташланди, қул этиб ҳайдаб кетилди. Бундай ваҳшийликларни ўз қўзи билан қўрган Жало-лиддин Мангуберди кассаб байроғини қўтариб чиқди.

Ўзини Искандари Соний деб ҳисоблаган султон Алоудин Мухаммад II эътиборсиз, бе-номон нишон ўлим топди. Кейинроқ бориб, ун-инг жасади мўғуллар томонидан топиб олиниб қўйрилиб, қул қўқса совирилди ҳам. «Ҳар ким экканини ўради» дейилганидек, у ўз қил-мишига яраша «муқофотини» олган эди. Ун-инг шўнчалар аҳамиятсиз ва узоқни қўра бил-майдиган бир шох эканлига шу нарсга яхши далил бўла оладикми, мўғулларнинг тарихий достонларида «Яширдин маъноли қис-са»ларида Хоразмшоҳ Алоудин Мухаммад II тўғрисида асло лом-ми дейилмайди-да, ун-инг ўғли Жалолоддин Мангуберди ва сарфоси сардори акром Темур Малиқнинг шонли ис-млари хўрмаёт билан тилга олинади.

Султон Мухаммад II вафотидан сал илгари тўнғич ўғли Жалолоддин Мангубердини ва-лиҳад этиб тайинлар экан, улар султонлик ша-мширини тақдим этади ва хоразмшоҳлар суло-ласи ҳамда давлатини ёлғиз ўғина сақлаб қо-ла олади, дейди. Толмас саркарда энди жи-ми кетиб, исми қолган давлатгагина эга бў-либ қолганди. Лекин Жалолоддин тахтга эг-лик қилиш учун эмас, салтанат бутунлиги, эл осойишталиги учун курашга бел боғлаганди. Жалолоддиннинг валиҳад этиб тайинлангани-ни эшитган Алоудин Мухаммад Хоразмшоҳ-нинг онаси Туркон хотун тарафидан қўйилган баланд мартабали амалдорлар бунга қарши чиқиди. Уни нафақат тахтдан маҳрум этиб-гина қолмасдан, балки унинг азиз жонига ҳам қасд қилишга қарор қилганлар. Жалолоддин қосид бўлиши мумкин бўлган ушбу суиқас-дан ўз вақтида воқиф бўлибди.

У бундай қалтис вазиятда Урганч мудофа-асини сирга ташқил этиб бўлишга ишонч ҳосил қилган, Темур Малик ва ун ўз жасур аскар ҳаракатлигида қичқ бир қаров бўлиб, Хоразмни ташлаб чиқиб, Хуросон сари юзла-нишга мажбур бўлади.

1221 йил баҳорида Урганчдан йўлга чиққан Жалолоддиннинг тўзқоқа илтириш мақсадида махсус белгиланган душман аскарлари поё-лаб турган эдилар. Бироқ Жалолоддин Неса-остонасида лашкарбоши сифатида усталлик, ба-ҳодирлик қўрсапти, жангда мўғулларни до-гда қолдириб, уларни тор-мор этади, душман-нинг от ва озиқларини тортиб олиб, ўз аскар-ларини яхшироқ таъмин этишга муваффақ бў-лади. Тўқнашувда мўғулларнинг етти юздан зиёда отликлардан иборат яхши қуролланган шерикларига хоразмликларнинг тўсатдан қил-ган ҳужумлари жангнинг тақдирини ҳал қи-лади.

1216 йили Иргиз дарёси бўйида мўғуллар-нинг олдинги қўриқчи туманларидан иборат қўшинлари устидан қозонилган ғалабанинг ташкилотчиси ҳам Жалолоддин бўлган эди. Жалолоддиннинг бу иккинчи ғалабаси унинг шўхратини олис ўлкаларга ёйди, ҳарбий ис-теъдодини намоён қилди.

Мамлакат пойтахти Урганч мўғуллар томо-нидан ишғол этилган, душман Урганчдан Хо-зирги Қўна Урганч) қонган Туркон хотунини Мо-зандаронда қўлга олган ва у Чингизхон ка-роғиҳига юборилган. У мўғулларнинг асри-са сифатида умрининг охиригача, яъни, 1233 йилгача хор-зорликда яшав, ўз акали билан ўлиб кетган. Хоразмшоҳ хонадонига мансуб эрлар қатл этилган, аёллари Чингизхоннинг аяқларига тоҳиликка берилган.

Энди давлатни ҳам, сулоланинг ҳам номи-ни сақлаш фақат Жалолоддингагина қараб қо-лган эди. Ҳазилулоҳ Рашидиддиннинг (1248—1318 йил) «Жомеъ ат-таворих» («Тарихлар мажму-си») асариде тасвирланишича, Жалолоддин Мангуберди ўрта бўйли, қорачадан келган, ҳў-лари қатта ва бироз қийроқ, нуруний ҳе-рхали бўлган. У ўз қучи ва идрок билан ҳам-ма нарсасга эриша оладиган, мартабаларни, бойи, қамбағаллигидан қатъий назар барчага баробар меҳрибонлик билан муомалада бў-лувчи, сadoқатли, жасур кишиларни жуда қа-дрловчи инсон бўлган. Фўқароларига тинчлик, фаровонлик истовчи аҳойиб фазилатли оташ-нафас, чин маънодаги ҳақиқий буюк саркарда сифатида ном қозонган.

Жалолоддин Мангуберди Буст орқали олға юрар экан, Қандаҳор қиянида мўғуллардан азият чеккан амакивачаси Аминалмулк ўзи-нинг ўн минг кишилик қўшини билан қелиб унга қўшилди. Жалолоддин яна кўпроқ қўшин тўплаш мақсадида Қандаҳордан Фаънага йўл очилди бўлади. Аммо юзга келган қалтис вазиятлар унинг бундай қилишга имкон бер-мади. Мўғуллар Жалолоддиннинг босган ҳар бир қадамини синчковлик билан кузатиб, уни-н йўлига тўғанок бўлишарди.

Жалолоддин учун қарши ҳужумга ўтишдан бўлак илоҳ қолмади.

Қандаҳорда мўғулларни саранжом қилган-дан кейин, Жалолоддин фўрсатни қанимат би-либ, зўдлик билан Фаънага келди ва узаро низолаштиб юрган туркий лашкарбошиларини ўз атроғига жалбаштирди. Жами бир ўз эл-лик мингдан зиёда қўшин билан бўлажақ жанг-

ларга пўхта тайёргарлик қўрган ҳолда мўғул-ларга қарши юриш бошлади ва Хиндистонга борадиган асосий қаров йўлида жойлашган Парвон вилоятда мўстаҳкам ўрнашиб қолди. У ердан Тоҳаристонга ташланди. Ўша вақт-ларда Қўбўлгача йигирма беш чакирим масо-фада жойлашган Чорикорнинг шимолидаги Хўротни қамал қилиб турган Тўқуҳар ва Мол-ғар нўнлар бошчилик қилаётган кўп сонли мўғул қўшинларига қарши тўсатдан шиддатли ҳужум қилди. Ўч қун давом этган қонли тўқна-шувда душман ўнглаб бўлмаёқ қақшатиқ зар-бага учраб, шошилчин равишда чекина бош-лади.

Мўғул ҳокони янги фармон ҳозирлади: — Хой, сен Шики баҳодир, амримни эши-тиб, они қўлогинга зирак қилиб тақиб ол! Хўзирок Хоразмшоҳ ортиндан ҳаялламай йўлга туш. Қайда бўлса-да ул сарбтобчани топуб, анинг қўшунларини яқсон этгил. Ўзин эрса менинг барғоҳимга темир қафасо солгон ҳол-да тирик тутиб келтур! — деди асабий бир ҳолда ва ўтай ўқаси бўлмиш Шики Хўтуту деб босқинчида «жазакор» деб номланган улкан қўшини Жалолоддинга қарши йўллади. Эни-ликда мўғулларнинг бу сафарги қўшини жу-да қатта бўлиб, қарийб икки юз минг киши-дан иборат дахшатли қўч эди.

Сумбула ойининг еттинчи кўни 618 хиж-рийда (1221 йил 30 август) мўғуллар Жало-лиддин қўшини билан Афғонистоннинг шимо-лидаги Парвондан бир фарсаҳ узоқликда юз-ма-юз келди. Шамол бутюқларни шилдира-тиб, ёз фасли ҳам ўтиб бораётган палла эди. Жалолоддин қўшинлари серқоя тоғ тизмала-ри оралиғида тўқнашувга аллақачон шай бў-либ, зич ҳолда теж қараб турардилар. Аскар-ларнинг совут ва дубулбалари тоғ қўёшини-н заррин ёғдулариде тиниқ сўведек яқриқар-ди.

Султон Жалолоддин юз беражақ вазиятни яна бир бор қўқур мушоҳада қилиб, қўшинла-рининг олдинги қисмларини эгчиллик билан қайта тўзди. У жанговар саф олдиға қўшимча сараланган йигитлардан озиқларни, улар ёнига ўзун соғлиқ оғир ойболталар билан қуролланган пахлавонларни жойлаштирди. Жало-лиддин жанг олдида қўшинларига қарата хитоб қилди:

— Биродарлар! Азия ватандошларим! Сиз-лар озошлик учун олиб боролдурган улкан ва қонли мўҳораба олдинда туролдурислар! Бу-ғунги кунда бизларга Ватан, маълум жафокаш халқ, буткул умид ва наҳот қўларини тикиб туролдурлар. Иншооллоҳ, зафар қучиб озиимиз ёруғ бўлғай, дағи юртимизни ёвуз, қаттол да-ҳрийлардан тозалаб, озошлик ҳамда зафар на-шидасини суришга насибу рўзи айлласун! Фай-рат қамаримизни белимизга маҳкам боғлагон ҳолда зафар туғин баянд қўтариб, қасосга ташна яроғимиз бирлан душманга аёвсиз қи-рон солайлик! Оталаримиз, мушфиқ ва мунис оналаримиз, оға-иниларимиз, орак бағирла-ри ўртангон, қон ютуб, қон қусган оға-син-гилларимизнинг бегуноҳ тўқилган қўлуг қо-нари, ваҳшийларга топталгон ор-номуслари учун беармон ўл оладурган вақт етди! Улўғ Ватанга бўлгон меҳр-муҳаббат сизларга ҳар дақиқа қўч-қуваат, ота, эътиш, йўлоҳ, дайлик, асло олдирамизки, ўлгон шаҳид, ўлдурган го-зий!

«Бомдод намоэидан кейин қўёш энди қўтари-либ келаятган вақт эди. Мўғуллар тўсатдан жон-жаҳдлари билан от соғинари қўйи. Жало-лиддин лашкарлари сафтини ёриб, уни тў-зитиб юборишга интилиб, қўшиннинг қў мар-казига ташландилар. Шиддатли жанг икки кун давом этди. Тақир-тўқурлар, ногора, қарнай ва бурғуларнинг овози, қилич-қалқонларнинг зарб билан шарақ-шўрук урилиши еру қўни тир тиратар эди. Ниҳоят мўғулларнинг тик-каси қуриганини сезган Жалолоддин довул қалдирларган, лашкарларига отта минишга буюрди ва уларни ҳал қилувчи ҳужумга бош-лади. Бу пайтга келиб талай одамларидан айрилган душман қўшинлари қўтилганга зар-бага бардош бера олмағлига қўзи етиб, чо-дире ўтовларини ҳамда юк араваларини таш-лаганча чекина бошлади. Жалолоддин қўшин-ларининг боронгорини (ўнг қанот) Темур Ма-лика, жовногорини (чап қанот) Сайфуддин Ағроққа топшириб, ўзи гулда (марказ) жанг қилди.

Мўғуллар кўп ўтай ўзларини ўнглаб олиб, яна бир бор уячи қучлари билан Жалоло-дин қўшинларига ташландилар. Улар тўсик-ларни қучли зарб билан бир зумда янчиб ў-тмоқчи бўлилар. Душман саркардаси Шики Хўтуту: «Араваларни яқсон қилинг, қалқани бу-зинглар! Теварак-атрофдаги қалин бугдойзор — ўтлоқларга ўт қўйинлар!» деб буюрди. Би-роқ ҳар қанча унингдан билан ташлаб душман қутганидай бўлмади. Жалолоддин олдидан вазиятни тўғри баҳолаб, махсус тайёргарлик қўрилган сабабли тўсиклар мўстаҳкамлиги-га қолди. Мўғуллар номдор саркарда Темур Малик туманларига (бир туман ўн минг ас-кар) бироз зарба бера олмади бўлишларига қарамай, барйориб зафар қозона олмадилар.

Мўғул қўмондонлиги энди ўзининг сўғити чорасини қўришга, ҳийла ишлатишга ўтди. Улар қигиздан одам шаклини ясаб, ўзлари-нинг эҳтиёт учун ажратиб қўйган отларига мин-гаштирилди-да, Жалолоддиннинг пиеда қў-шинларига қарши «жангга» кирдилар. Аммо гоёт сезгир ва билимдон Жалолоддин душ-манинг найрагини тезда пайкаб, «Тангри қучга қарамайди, балки ҳақиқат бўлган ҳойда ўзи ёр бўлади» деркан, бу душманинг одат-даги ҳийласи эканлигини уқитиб, аскарлар-ига далда берди. Жанг қизиб кетган бир пайтда ҳарбий ногоралар, қарнай ва бурғу-ларнинг садоси остида қасоскорлар суворий ҳолда ёв устига бурондай ёпирилиб. Тўқнаш келиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетган ҳар ик-ки томоннинг қучлари Парвон остонасидаги жанг майдонига сиймай қолди. Урушнинг энг долзарб палласида Жалолоддиннинг жово-норига етакчилик қилган Сайфуддин Ағроқ Шик-ки Хўтутунинг боронгорини шўтоб билан улқо-қчиб қилди, душман қўшинининг орқасига ериб қилди ва душмани гоёт танг аҳолига солиб қўйди. Жалолод

МАРДУ МАЙДОН САРКАРДА

(Давоми. Боши 3-бетда).

Иккинчи кун ташаббусни узил-кесил ўз қўлига олган Жалолиддин Мангуберди қўшинлари чақонлик билан иш қўриб, ҳолдан тойган душманини қўраб олдилар. Чингизхоннинг шу пайтагача енгилмай келган йирик лашкарбошиси Шики Хутуту нўён қўшинларининг батамом ўраб олинаётганини кўргач, аскарларининг омон қолган қисми билан қоча бошлади. Бироқ Жалолиддин қўшинлари ўзларининг чарчамаган отларида тумтарақай қочаётган душманини осонгина қувиб етиб олиб қиришда давом этди.

Парвон жангида тарихий порлоқ галабага эришган Жалолиддин жаҳон ҳарбий фани тарихида биринчи бўлиб отдан тушиб, пиедага айланган найзадорлар ва ёйандозлар сафини мўғулларнинг отлик қўшинларига қарши қўйди ва бу билан инглизларнинг Кресси яқинидаги жангда ишлатган тактикасини улардан кўп асрлар олдин қўллаган эди.

Бу жангда шармандали забўн бўлган ҳамда либослари тилка-порага айланган, обдон тинкаси куриган, ўлма чангалидан аранг қутилган, ярадор Шики Хутуту Таликонда баргоҳ қўриб турган Чингизхон ҳузурига кириб келиб, қаҳрили ҳокон қаршисида тиз чўкди ва Парвонда бўлиб ўтган дахшатли жанг тафсилотларини унга гапириб берди. Мўғулларнинг катта қўшари устидан голиб чиққан бахадирларнинг шуҳрати шамол тезлигида мамлакатнинг ҳамма ёғига тарқалиб, Жалолиддин ва унинг ботир йиғитларига шону шараф, ҳурмат келтирган эди. Бу курашларнинг бориши давомида эса дахшатли ва «енгилмас» деб ҳисобланиб келинган мўғул қўшинларига нафақат қаршилик қўрсатибгина қолмай, балки уни емириб ташлаш ҳам мумкинлигини кўрсатди. Кейинчалик мўғуллар томонидан забт қилинган кўнгина шаҳарларнинг аҳолилари бош кўтариб, ўз шаҳарларидеги мўғул гарнизонларини кириб ташлаганлари бежиз эмас эди. Аммо давомли галабани мустаҳкамлаш Жалолиддинга насиб қилмади. Махкур жангдан сўнг, умулқўшин бошлиқларининг орасида ўзаро низолаб бошланди. Саркарда бу низоларни боса олмади. Натихада Жалолиддин қўшинининг кўп қисмини давлат ахтариб қолди.

...Жалолиддин қароргоҳида ўлжалар улашларди. Мўғуллардан тушган сон-саноксиз ўлжалар орасида бир арабий тулпор ҳам бор эди. Ана шу отни икки қабила амирлари таллашиб қолдилар. Балх ҳокими Аъзамхон Малик ағчилиқиб Сайфуддин Афғоннинг бошига қамчи туширди. Сайфуддин Афғок бошлик халақ қабилалари бундай ҳақоратга норозилик билдириб, шу кечасиёқ қароргоҳни ташлаб кетдилар. Аслида эса бу низо-жанжаллар Чингизхон ваъда қилган олтинлар илгини жасур саркардадан ажратиб қиқчиш учун ўйлаб топилган бир баҳона эди, ҳолос. Улар Чингизхон ваъда қилган олтинларга дастлаб эга бўлдилар ҳам, Валекин мўғуллар Парвон остоналаридаги мисли қўрилмаган қирғини, бошларидан кечирган аҷиб қисмати эсларидан чиқармаган эдилар. Шу боис, Сайфуддин Афғок, Аъзамхон Малик ва ал-Ҳасанларни мўғуллар Афғонистоннинг Пешаворидега усталик билан тузоққа олиштириб, батамом кириб ташладилар-да бутун бойликларини ўлжа қилиб олиб кетдилар...

Шики Хутуту нўён, бошчилигидаги қўшинларнинг ҳурт мул келтирилганини эшитган Чингизхон ичидан зил кетиб, гоёт саросимага тушди. Шундай бўлса-да, ҳар вақтдагидек сир бой бермай: — Шики Хутуту доимо галабаларга ўрганиб, қўли баланд бўлишига одатланиб қолган, тақдир дахшатларини тотмаган эрди, — деди хотиржамлик билан, — енгиллиш қуфати ва онинг дахшатларини кўргуч, бундин кейин ҳар ишда ҳушёрроқ, биланроқ бўлур. Қувён отидан тушган сайёб, ўрмонда шерга дағи дуч келиши мумкинлигини унутмаслиги керак!

Худди шу пайтда Жалолиддин юборган нома ҳам етиб келди. Унда бор-йўғи еттигити на шундай сўзлар битилган эди:

«УРУШАДИГАН ЖОЙИНГНИ КЎРСАТ, ЎША ЕРДА ҲОЗИР БЎЛАМАН»

Чингизхон номага жавоб бермади. Лекин бунинг билан хотиржам ҳам қолмади. Ишнинг бу тарзда боришини ўзи учун жуда оғир кечилишни фаҳмлади ва ҳали яқиндагина истило этган Хоразмшох мамлакатини қўлдан бой бериб қўйишдан қаттиқ ҳавотир тортиб қолди. У кечиктирмай, ҳеч бир пайсалга солмай зудлик билан йиғиш мумкин бўлган қўшиннинг ҳаммасини бир ерга жамлаб, бу сафар ўзи бош бўлган ҳолда 618 ҳижрий ақраб ойларида (1221 йил ноябрь) Жалолиддинга қарши ялпи юриш бошлади. Бу вақтларга келиб энди Жалолиддин Чингизхонга қарши туриш ва давомили зарбалар бериш учун етарли қучга эга эмасди. Фақат унга содиқ қолган Темур Малик, Аминалмулк, Музаффар Малик ва Ихтиёрдин Хорпуштнинг унча катта бўлмаган, аммо уюшган, жасур лашкарлари билангина қолган эди.

Жанг Ҳинд дарёси бўйида кечарди. Жалолиддин бир неча бор душман қароргоҳи жойлашган ерларга ачиндай ёриб кириб, Чингизхоннинг ўзини жон сақлаш учун қоча-қаша ҳам мажбур қилди. Бироқ душман ҳам айёр, ҳам куч жиҳатида устунлигидан Жалолиддин ва унинг оқ қолган лашкарлари қўшовига тушиб қолди. Чингизхон Жалолиддинни тирик қўлга олиш учун ўзининг қатъий фармониини берди. Мўғуллар бамисоли ўраб ов қилгандек, халқа исканжасини эур бериб қўчайтирдилар. Бу омонсиз жангда саркарданинг оиласи халок бўлди, уларни қутирган дарё наҳангдй ялмайай ютди... Бу жудодик бутун борлигини оташдай ўртаб юборган Жалолиддин қаҳр-заҳр билан ёв устига шердай ташланди, мўғул сафларини тўфондек ёриб ўтди-да, дарё бўйига келди. Қанча оғир дамлару зафарларда соҳибининг истакларини қулоқ қўқмай бажариб келган, қирғин-барот жанглардан омон-омон олиб чиққан дўсти — сеvimли оқ туркман жийрони аҳволини дарров тушуниди — ҳўжасининг бу галги амрини ҳам бажо келтириб, қирғоққа гувиллаб урилиб

оқаётган пўртанали тўлқин устига ўзини отди. Қолган аскарлардан бир қисми ҳам доворак саркарда ортидан ўзларини дарёга ташладилар. Тез оқиб бораётган сувда қамишдек қўлоқларини динг қилган отларнинг бошларигина кўришиб турарди. Улар ҳам гайрат ва шижоатда жангчилардан қолишмай, қучли оқим билан бас келганча қиялаб қирғоқ томон аста яқинлашиб борарди...

Мўғуллар қўлдан чиққан Жалолиддин ва унинг жангчиларининг ботирликларига лолу хайрон қолиб, аламларидан қичқириб юбордилар. Чингизхон жар ёқасига келиб қаради. Унда Жалолиддин от устида бир қўлида Хоразмшохлар мамлакатининг сўнги байрогини орқадан ёғдирилаётган ўқларга қарши қалқон ушлаган, иккинчи қўлида қўлчи кўтарган ҳолда сузиб бормоқда эди. Бу жасоратни кўрган Чингизхон ёнидагиларга қаратиб: «Фақат энг бахтиёр отагина бундай ўғилга муяссар бўлади», — деди ва унга қарата ўқ узишни ман этди.

Бу сўнги жангда тасодифан душман қўлига тушиб қолган Жалолиддиннинг саккиз яшар ўғли Чингизхоннинг буйруғи билан халок этилди.

Юқорида энг таҳликали бир вазиятдан жасур ҳўжасини халос этиб, ўзини дарёга урган тулпори ҳақида гапирилган эди. Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг деярли сўнги дамларига қадар доимо ёнидан аримай, ўзи билан бирдай барча ҳаёт тўфонларини бошидан кечирган ушбу вафодор отини ўзи гоёт яхши кўрган ва уни тарихчи Рашидиддиннинг «Жомеъ ат-таворих»ида айтилишича, «Сени отим демайман, биродарим дейман, менга сен биродардан ҳам яхшисан», деган экан.

Чингизхон билан сўнги жангдан кейин Ҳиндистонга ўтиб кетган Жалолиддин у ерда уч йилча туриб — 1924 йили Эроннинг Кермон шаҳрига келади. Эрон шаҳарларининг аҳолиси уни қувонч билан қўтиб олади; дахшатли жангларда ҳам тоғу тош, даштлар, қум саҳралари орқали ўтган мисли қўрилмаган сафарларда чиниққан хоразмликлар бу шаҳарлар орқали худди байрамлардагидек зўр тантана билан ўтдилар. У бу ерларда қисқа муддатда кўч тўплаб, сўнг Бағдод халифалигига қарши юриш қилади. Уни ўзинга қаратиб олиб, зафарли юришларини давом эттирди. У бутун Озарбайжон, Афғонистон, Кафказ, кафказ орти ўлкалари, Гуржистон, Арманистон ва бошқа бир қатор шаҳарларни ўз тасаруфига киритиб, сўнг мўғулларга қарши курашини давом эттирди.

Нихоят Жалолиддиннинг кейинги ҳаракатларида зиддиятлар, хоинлик ва хиёнатлар юз бериш, иши орқага кета бошлади ва бахтга қарши кураш жараёнларидан ажратиб қолдиб, халокатга юз тутди.

Туркменистоннинг Неса шахрида дунёга келган, хоразмшохлар хонадонига мансуб истеъодли муаррих Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий (1184 — 1249 йил) Жалолиддиннинг бутун ҳаётида деярли бирга бўлган. Унинг «Жангонамалари»ни ёзиб қолдирган курашчи, қалам соҳиби Жалолиддин ҳақида 1241 йили «Сирот ас-султон Жалолиддин Мангуберди» («Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳолати») номли қимматли асар ёзиб қолдирган.

Бу асар, 1970 йилларга келиб Озарбайжонлик академик тарихчи олим, марҳум Зиё Музаевич Буниевдов томонидан араб тилидан рус тилига мукаммал таржима қилиниб Москвада «Наука» нашриётида чоп этилган.

Ўзбек халқининг ифтихори, буюк халқ қаҳрамони — ўғлон, Ватан ва халқ йўлида жон фидо қилган, ҳарбий соҳанинг то маънодаги аjoyиб истеъодли ташкилотчиси, фалак гардишининг кўп синовларини бошидан кечирган, зўр ирода, улкан қалб эгаси бўлган ва ўзи ҳаёт вақтидаёқ хатто душман қўмондонлари томонидан ҳам... «Хали шу даврлардаги дунё юзи кўрмаган, чин маънодаги тенги йўқ ҳақиқий ботир саркардадур!..» дея тан олинган Жалолиддин Мангуберди 1231 йили 17 августда Эрон Курдистонининг Тавр тоғларида қурдалар қўлида халок бўлди. У бор-йўғи ўттиз тўққиз йил умр қўриб, шум тақдирнинг ана шундай бевақт қурбони бўлди. Тарихий манбаларга кўра, Жалолиддин Мангуберди ўлимидан кейин ҳам жойлардаги ватанпарварлик ҳаракатлари тамомилга бостирилмаган ва истилочиларга қарши қаратилган мардондор овозидик курашлар узоқ вақтларга ҳам у ер, дам бу ерларда баъзан фаол, баъзан сустроқ бўлса-да, давом этиб турган.

Жалолиддиннинг она юрти, Ўрта Осиё давлатини сақлаб қолиш, жафокаш халқини истилочиларнинг қонли исканжасидан халос этишдек улғувор мақсад йўлидаги олиб борган бетиним фидокорона курашининг ўн йиллик жангномаси, ўша шиддатли давр тарихининг шубҳасиз фожияли ва лекин энг қўтлуғ улғувор заррин саҳифаларидан биридир.

Хусусан, Жалолиддин Мангубердига бағишланган ўзининг илҳомбахш дастхатларида афғонистонлик таниқли олим Аҳмад Али Кўхзод тўлқинланиб шундай деб ёзади: «Биз тарихий йилномалардан шу нарсаларни яхши биламизки, Жалолиддин қатъий ва мардондор туриб Чингизхон галаларидан Афғонистон ерларини Парвондан тортиб то Ҳинд дарёси қирғоқларигача ҳимоя қилган ҳамда мўғулларга қўллаб қиронли қақшатқич зарбалар берган аjoyиб, тенгсиз саркардадир».

Жалолиддин ҳақидаги тарих замонамизнинг кўзга кўринган талай таниқли олимлари, ёзувчиларини илҳомлантириб келмоқда. Жумладан, шонли саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳақида ўзбек халқининг совимли адиби Максуд Шайхзод «Жалолиддин Мангуберди» номли тарихий драмасини ёзган эди. Таниқли гуржи ёзувчиси Григор Абашидзе эса «Долгая ночь» («Узоқ тун») номли тарихий роман яратди.

Жалолиддин Мангуберди Ватан озодлиги йўлида шундай мислсиз жасорат намуналарини кўрсатган Спитамен, Тумарис, Широк, Муқанна, Темур Малик, Маҳмуд Торобий ва бошқа қаҳрамонлар қатори дилларда, тилларда дoston бўлиб, афсонага айланган, само юлдузларидай ёрқин нур сочиб яшайверадиган бундай табарруқ улғу аждодларимиз билан ҳаммаша фахрланасак, ҳар қанча ёд этсак, шунчалар уларнинг руҳи покларини шод этган бўлаемиз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДИН.



Соғинганим олтин куз келди.

Равиль Альбеков олган сурат.

Болаларни миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз асосида тарбиялашда халқ ўйинларининг аҳамияти бекиёсдир. Ўйинлар болаларнинг жисмоний фаолиятини шакллантиради, руҳий дунёсини бойитади. Соғлом ўсаётган гўдакни табиат бағрига олиб чиқсангиз у атрофни томоша қилади, нарсаларга қизиқиш нигоҳи билан термулади. Унга шиқилдоқ ва тиник рангли ўйинчоқларни кўрсатсангиз олишга интилади. Бундай ҳаракатлар жараёнида боланинг мурғак тафаккури ривожланади. Нозик қўл ва оёқчаларининг мускуллари мустаҳкамланади. Ўйинлар дастлаб оилада, боғча ва мактабда ташкил этилади.

Мана шундай қизиқарли миллий ўйинлардан бири «Эшак минди» ўйинидир. Бу ўйинни бошлашда болалар беш-олти нафардан бўлиб икки қаторга туришади. Сўнг улар эгилиб ўз «юқларини»

Қадриятларимиз

ЎЙИНЛАР — КАМОЛОТ ОМИЛИ

кутадилар. Қолган болалар эса югуриб келиб уларнинг устига миниб оладилар. Шу ҳолатда улар югурадилар. Ўйин давомида «эшак»дан йиқилганлари ўрин алмашадилар.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда болалар отда юриш, юк қўтаришни, сакрашни, қувноқликни, чаққонликни ҳамда уришиб-талашиб қолмасликни, аразлашмаслик сингари ўзаро муносабатларни ўрганадилар, чиниқадилад. Бундай ўйинни ўсмир ёшидаги болалар севиб ўйнайдилар.

Ўтмишдан ҳозиргача етиб келган «Тўп-тош», «Меҳмон-меҳмон» каби ўйинлар

эса қизлар тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди.

Жумладан, «Меҳмон-меҳмон» ўйинида қизчалар бувилари, аммалари, ҳолалари, қўшни аёлларга ўхшаб кийнадилар. Қўғирчоқларини кўтариб, бошларига «тугун»-«тоғора»лар қўйиб бир-бирлариникига меҳмонга борадилар. Кичик меҳмонлар уларни катталардек «хуш келибсизлар», «хуш кўрдик» каби самимий сўзлар билан қўтиб олиб, чиройли безатилган дастурхон атрофига таклиф этадилар. Ўйин жараёнида улар катталарга тақлид қилиб, уларнинг ҳаёдаги ролларини бажарадилар, ўзларига яқин аёлларга ўхшаб кийнадилар.

Бу ўйиннинг моҳияти шундаки, бунда қизалоқлар меҳмон қўтишни, самимий мулозаматлар, инсоний фазилатларни ўрганадилар. Ўйинлар камолот омили бўлиши билан бирга болаларни миллий урф-одатлар, удумллар ва қадриятларимизни ўрганишга даъват этади. Зеро, узоқ йиллар турмуш синовларидан ўтиб келган қадриятларимизнинг бу заррин шуълалари бебаҳо миллий меросимиз ва туганмас хазинамиздир.

Садоқат ФАЙЗИЕВА,

Ўзбекистон халқ таълими аълоиси.

Ажойиботлар қомуси

СИРЛИ ДЕВОР

Буюк Хитой девори шунчалик қаттиқки, унинг ҳаммасини хатто самолётдан туриб ҳам илғашинг иложи йўқ. У қойноғидан аққол кўриш мумкин бўлган ердаги яккаю-ягона улкан иншоотдир. Хитойнинг бутун шиммодий чегарасини қамраб олган девор, мамлакатни душманлардан ҳимоя қилиш учун қурилган экан.

Ҳозир Хитой деворининг қурилиши, унинг аҳамияти ҳақида олимлр баҳс юришмоқда. Янги-янги таҳминлар пайдо бўлди. Меъморлар билан келишилган ҳолда бундай улкан иншоотни хитойликлар эмас, номаълум тараққиёт одамлари, қурган, деган, ҳулосага ҳам келинди.

Келинг, қадимда ўзга сайёраликлар билан Хитой типроғида алоқалар бўлган деб таҳмин қилайлик. Бундан жуда кўнра Хитой кўлэмалари ҳам оғоҳ этади. Ёзувларда доно ва олиханоб «осмон ўғлонлари» ҳақида кўплаб маълумотлар бор.

Ушбу ўғлонларнинг ер юзид пайдо бўлиши турли космик ҳодисаларга сабаб бўлган.

Келгиндиларга ўзларининг ватанлари бўлмиш сайёра, шунингдек, бошқа сайёралар билан алоқа воситаси зарур бўлган, албатта. Шунинг учун ҳам Буюк Хитой девори, Мисрнинг Гизо пастекисликларидаги Миср эҳромлари қурилгандир. Улар сайёраларо радиостанциянинг нуқталари бўлиб қолган. Улар ёрдамида ердан юборилган сигналлар дарҳол олис самоннинг истаган нуқтасига етиб борган. Бир қарашда Хитой деворининг қурилиши жуда ҳам оддий.

Дастлаб бир-биридан етти метр оралиқда бўлган икки гиштин девор тикланган. Уларнинг оралиғи тупроқ билан тўлдирилган, у обдон шиббалаб, мустаҳкамланган. Лекин синчиқлаб ўрганишимизда Буюк Хитой девори режасида аниқ математик ҳисоб-китоблар го этилган.

Буюк Хитой девори Леодун бўғозидан бошлаб, тахминан 30-ҳуғрофий параллель бўйлаб мамлакатнинг ичкари-сига қараб қўзилиб кетади. Бунда қандай алоҳида бир сир борми, дерсиз. Ҳамма гап шундаки, экватор Ер юзини икки бўлакка бўлади. Лекин баровар, бир хилда эмас. Шимол томондаги қуруқлик жануб томондагисидан сезиларли даражада кўпроқ. Агар экватор бўйлаб яна бир чиққис тортсак, у тахминан 30-параллель бўйлаб ўтади; худди экватор каби Ер юзини нотенг-икки бўлакка бўлади. Буюк Хитой девори айнан ма-

на шу чизиладиган экватор сари қўзилиб кетади. Уни яна давом эттирсак, Гизадаги Миср эҳромларига бориб уланади. Чамаси Ер юзидagi ҳар бир буюм бирон-бир сирнинг қалити бўлса ажаб эмас.

ГУЗАЛ ХОНИМНИНГ ОШИҒИ

Ўйғониш даврининг даҳоларидан бири бўлмиш Леонардо да Винчининг ҳаётида Жоконда исмли аёл ўчмасиз эл қолдирган. Бир кун халдан ташқари бой, суяхўр Франческо Жоконда дахонинг ҳузурига келиб, унинг гўзал хотини Мона Лизанинг суратини ишлаб беришни сўрайди.

Ғолиб МИРЗО тайёрлади.

Пешин маҳали.

Ҳаммининг нигоҳи шошилчинг, пишқириб келаётган ўт ўчириш машиналарида. Машиналар Чилонзор туманидаги 10-даҳа муволишига келгандаёқ ўт ўчирувчилар тутун чиқаётган хонадонни сезишганди.

Тутун шу даҳадаги 9-уйининг 55-хонадони деразасидан ташқарига бурсқиб чиқаётганди. Ўт ўчириш ходимлари махсус нарвонли машинада ёнғин чиқаётган хонадонга қўтарилишганда хона тутунга тўлган ва болакайлари-нинг заиф йиғиси эшитилаётган эди. Ўт ўчириш

ходимларининг самарали ҳаракатлари тўғрйли ёнғин жадалланишига йўл қўйилмади ва тезкорлик билан қисқа дақиқаларда у бар-

Ҳодиса

БОЛАКАЙЛАР ҚУТҚАРИБ ҚОЛИНДИ

тараф этилди, 6 ёшли До-ниёр ва 4 ёшли Зиёдлар қутқариб қолинди.

Болакайлари қутқариб қолишда ва ёнғинни бартараф этишда 8-ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми азаматлари ички

хизмат лейтенанти Ш. Бахромов, ички хизмат катта сержанти З. Иброҳимов ва ички хизмат сержанти М. Қобуловларнинг маҳоратларини ва ўз хизмат бурчларига сидқиқидан ёндошганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан юқорида номлари келтирилган ўт ўчириш ходимлари ёнғинда кўрсатган маҳоратлари учун тақдирландилар.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими.

Бу — қизик

ФУТБОЛЧИЛАР КАЛПАСИНИ АСРАШИ ПОЗИМИ?

Англия профессионал футболчилар ассоциацияси узоқ муддат мобайнида тўпни қалла ёрдамида уриш ўйинининг миясига қандай таъсир этишини билиш мақсадида қатор тадқиқотлар ўтказмоқда.

Бу изланишларнинг бошланишига тиббий экспертларнинг тўпни қалла билан зарб уриш мия чаногига таъсир қилади ва оқибатда бирон бир ёмон ҳодиса содир бўлади деган ҳулосалари сабаб бўлди. Футболчилар ассоциацияси бу ҳулосадан норозилигини билдириб баҳсга киришмоқчи, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс. Нима бўлганда ҳам, деб ҳисоблайди унинг раҳбари Горден Тейлор, умидсизликка тушмаслик керак ҳамда спорт билан, айниқса футбол билан шуғулланиш инсонга кўпроқ фойда келтириб, ҳар қанақанги ҳавф-хатарни чекинтиради.

ҲАММА ГАП ҚУЛОҚЛАРДАМИ?

Шотландиянинг Бреймар шаҳри яқинидаги кичик қишлоқлардан бирида яшовчи Григор Мак-Хил ўзининг 85 ёшини нишонлади.

Ўзини бардам тутувчи бу отахоннинг айтишича, бирон марта ҳам биронта хасталик билан касалланмаган. Унинг айтишича, саломатлигининг асоси қулоқлари эмши. У ўн ёшидан бошлаб ҳар кун 25-30 марта қулоқларининг юмшоқ жойини ўзинга қараб тортар экан ва натижада тунги уйқудан сўнг бош мия томирчаларидаги қон айланиши нормаллашади. Баъзан Григорнинг узоқ вақт ювиниб чиққанидан сўнг боши оғрий бошлайди. У шундай кезларда қулоқларини қафслари билан уқалайди, 2-3 дақиқа ўтгандан сўнг бош оғриғи босилиб, у ўзини яхши ҳис қилади. Қариянинг таъкидлашича, ана шундай тарзда қулоқлар билан шуғулланиш унинг бутун умри давомида саломатлигини яхши сақлашга ёрдам берган.

Мапура НАБИЕВА тўплаган.

Бош муҳаррир уринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ